




МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИ ДАСТУРИ

«ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ЙЎЛЛАР
ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЧОРРАҲАСИ:
ИМПЕРИЯЛАР, ДИНЛАР,
МАДАНИЯТЛАР»

ТОШКЕНТ
ТЕРМИЗ
БУХОРО
САМАРКАНД
2019
22–27 АВГУСТ







«Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” ҳавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш ҳавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу гоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли, менинг фикримча, инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир».

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА МАДАНИЯТ
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА
ТАШКИЛОТИ



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, САҚЛАШ
ВА ОММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
БУТУНЖАҲОН ЖАМИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ
АССОЦИАЦИЯСИ
(ЎЗЭОАВМА)



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ



ЮНЕСКО
ТОШКЕНТ ОФИСИ



ТОШКЕНТ, СУРХОНДАРЁ
САМАРҚАНД ВА БУХОРО
ВИЛОЯТЛАРИ ҲОКИМЛИКЛАРИ



ERIELL ГУРУҲИ — ХАЛҚАРО
НЕФТЬ ХИЗМАТЛАРИ
КОМПАНИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЎТА МУҲИМ ИЖТИМОИЙ, МАДАНИЙ
ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ОБЪЕКТЛАРНИ ҚУРИШ,
РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ
ДИРЕКЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИСЛОМ
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ
РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНГА
ОИД ХОРИЖДАГИ МАДАНИЙ
БОЙЛИКЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ
МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ,
САҚЛАШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БУТУНЖАҲОН ЖАМИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ -
БУТУН ИНСОНИЯТ МУЛКИДИР

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, САҚЛАШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БУТУНЖАҲОН ЖАМИЯТИНИНГ МУРОЖААТИ

МУҲТАРАМ ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг “Ўзбекистон – буюк йўллар ва цивилизациялар: империялар, динлар, маданиятлар чорраҳаси” номли учинчи халқаро анжумани қатнашчилари номидан, Янги Ўзбекистонни ривожлантириш ва тараққий эттириш йўлида зарурий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган юксак фаолиятингиз учун Сизга самимий эҳтиромимизни изҳор этишга ижозат этгайсиз. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришга йўналтирилган ва “Моддий ва номоддий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзусидаги халқаро конференция қатнашчиларига йўллаган табригингизда тилга олинган ташаббусларингизни биз ўта муҳим аҳамиятга эга деб биламиз.

Ушбу ташаббусларни тўлақонли баҳолашимизга имкон берган Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги давомида яратилган ажойиб имкониятлар учун Сиздан миннатдормиз. Мазкур анжуман, конференциялар ва давра суҳбатлари давомида Шарқ ва Ғарб маданиятида тарихан муҳим аҳамиятга молик Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос бетакрор ўрни тўғрисида кўплаб маърузалар ва тақдимотлар тайёрланди. Ушбу омил, шунингдек, Ўзбекистон мутафаккирлари ва олимларининг буюк асарлари жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, инсонпарварлик ва маърифат дини сифатида Исломнинг асл моҳиятини халқаро ҳамжамиятга етказиш бўйича қутлуғ ташаббусингизни ҳам юксак баҳоламоқ жоиз.

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Биз, дунёнинг турли мамлакатлари олимлари, маданият ва санъат соҳасидаги мутахассислар ва журналистлар “Ўзбекистоннинг маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси остида бирлашдик. Ушбу дунё миқёсидаги медиа-лойиҳа Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва бебаҳо маънавий бойлиги билан боғлиқ бадиий асарлар, қўлёзмалар ва ҳужжатларни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш ва ҳужжатли фильмларни яратишни назарда тутди. Лойиҳа натижасида ҳозиргача 20 та

китоб-альбом чоп этилди ва яна 13 таси нашрга тайёрланмоқда, 30 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар суратга олинди.

Ушбу лойиҳани маърифат ва таълим соҳасида фуқаролик жамияти, жамоатчилик, давлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий масъулиятли бизнес, оммавий ахборот воситалари ва дунёнинг турли мамлакатларидаги олимларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда мисли кўрилмаган натижаларга эришишга имкон берувчи ёрқин мисол сифатида Янги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози деб аташ мумкин.

Ушбу анжуман ўтказилаётган паллада Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг Парижда расмий юридик рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам биз учун қувончли хабар бўлди. Ушбу ваколатхона биз учун Европа марказида самарали учрашувлар учун ишончли таянчга айланади. Мазкур жойнинг танланиши ҳам тасодиф эмас – бинобарин, у дунёнинг турли мамлакатларидаги олимлар ўзаро самарали алоқа ўрнатиши учун хизмат қилиш баробарида жамиятимизни ҳам ЮНЕСКО қароргоҳига яқинлаштиради. Шу билан бирга, биз Тошкентда Бутунжаҳон жамиятининг марказий офисини очиш зарурлигига аминмиз, зеро, III Анжуман жараёнида ушбу масалада ҳам тегишли қарор қабул қилинди. Бу ташаббус бутун илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, юксак қўллаб-қувватлашингиз туфайли амалга оширилаётган ушбу лойиҳа ўзларининг касбий қизиқишларини, айти пайтда илмий ҳаётининг ўзини ҳам Ўзбекистонни ўрганиш билан боғлаган хорижий ва маҳаллий олимларни бирлаштириш учун мисли кўрилмаган шароитлар яратди. Дунё илмий кучларининг бирлашуви, олимларнинг ўзига хос халқаро илмий лабораторияси юзага келгани жамиятимизнинг кучли томонларидан бири дейиш мумкин. Шунга боғлиқ равишда биз Ўзбекистонга маданият ва санъат тарихига оид тадқиқотлар, маърифат ва таълим соҳаларида ҳар томонлама кўмак беришга тайёр эканлигимизни билдирамиз.

Бугун, учинчи халқаро анжуман кунларида ишонч билан айта оламизки, Бутунжаҳон жамияти халқаро дипломатиянинг самарали шакли бўлиб, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга, энг муҳими, жаҳон саҳнасида Ўзбекистоннинг маданий нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги ташкилотчилари бизга узоқ йиллардан буён кенг жамоатчиликка намоиш этилмаган Далварзин хазинасининг дунёга машҳур олтин буюмлари тақдим этилган “Кушон салтанати ва унинг жаҳон цивилизациясининг ривожланишига қўшган ҳиссаси” кўргазмаси каби илмий аҳамиятга эга бўлган тадбирларда иштирок этиш имконини ҳавола қилишди.

Илк эллинизмнинг бетакрор ёдгорлиги, археологларга Кампиртепа номи билан маълум бўлган Амударё соҳилидаги Окс Александрияси – юнон истеҳкомининг тантанали очилиши ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Ўзбекистон ўз меросининг бойлиги ва хилма-хиллигидан беқиёс куч олиб, замонавий ҳаётда ҳам ўзининг буюк аجدодлари фаолиятига муносиб бўлиш учун барча имкониятларни ишга солишига яна бир бор аминмиз. “Ўзбекистон. Севги афсоналари” фильмида ҳам айнан шу ҳақда ёрқин тарзда ҳикоя қилинади.

Халқаро анжуман ишининг натижалари юзасидан Бутунжаҳон жамиятининг келгуси икки йиллик фаолияти бўйича Йўл харитасини қабул қилинди.

Бу бизнинг умумий ҳаракатларимиз – ғоялар ва лойиҳалар тўпламининг ўзига хос дастури бўлиб, у Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш масалаларини янги босқичга кўтаришига қаттиқ ишонамиз.

Янги альбом-китобларни нашр этиш, шунингдек, дастлабки босқичда баъзи лойиҳаларни амалга ошириш билан бир қаторда, ҳаракатлар дастурида илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтирувчи янги фаолият йўналишлари ҳам мавжуд. Ўрта асрларга оид ноёб ёзма мероснинг факсимил нусхаларини яратишни назарда тутувчи “Ўзбекистоннинг 100 та машҳур қўлёзма обидалари” лойиҳаси

шарқшунослик учун катта аҳамиятга эга. Бу дунёдаги турли тўпламлардан ўрин олган ўзбек меросининг улкан, илгари ўрганилмаган дурдона қўлёзмалари тўпланини илмий муомалага киритиш имконини беради.

Бошқа муҳим лойиҳаларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Археология фани Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий манзилгоҳлар ва объектларни хариталашга жуда муҳтож. Ушбу муаммони “Ўзбекистон археологик ёдгорликлари харитаси” лойиҳасини амалга ошириш орқали ҳал қилишни режалаштирмоқдамиз.

Яна бир долзарб лойиҳа – “Ўзбекистон архитектура эпиграфикаси” бўлиб, у ўтган асрлар меъморий ёдгорликларида сақланиб қолган ноёб ёзувларни тўплаш ва бир неча тилларга таржима қилиш имконини беради. Ушбу серияга мансуб 13 та китоб-альбом аллақачон нашр этилган ва бу борадаги ишлар жадал давом этмоқда. Шу билан бирга, биз Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатларда теурийлар меросининг сақланиб қолган меъморий ёдгорликлари ёзувларини аниқлаб таржима қилишни ҳам таклиф қиламиз.

Шунингдек, “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари каталоги” лойиҳасини амалга оширишни зарур деб ҳисоблаймиз, уни яратиш нафақат тизимли ҳисоб юриштишга, балки Ўзбекистон ҳудудида мавжуд ноёб обидаларни дунёга кенг намойиш этишга имкон беради.

Яна бир ташаббус – бу “Ўзбекистон илм-фани ва маданияти олимларнинг асарларида” лойиҳаси бўлиб, у сўнгги юз йилликнинг таниқли олимларининг юксак илмий асарларини ўзбек ва инглиз тилларига таржима қилиш ва қайта нашр этишга имкон яратади.

Парижда Темурийлар жамиятининг 30 йиллик фаолияти давомида нашр этилган La Timuride журналининг сонларини жамлаш ҳам қизиқарли лойиҳалардан бири бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги ноёб маҳаллаларни давлат рўйхатига олиш ва каталоглаштириш лойиҳаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу мазкур бетакрор ижтимоий институтнинг ўзига хос колоритини сақлаб қолишга имкон беради.

Ушбу ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш замонавий илм-фанни янада ривожлантириш ва оммалаштиришга, шунингдек, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Шубҳасиз, юқорида айтиб ўтилган лойиҳалар Ўзбекистоннинг ёш авлодини ўз юртларига ифтихор ва муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ёшларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, биз китоб-альбомлар ва медиамаҳсулотларни нашр этишда энг сўнгги 3D технологиялардан фойдаланишни бошладик. Бизнинг фикримизча, лойиҳа доирасида дунёнинг етакчи олимлари

томонидан нашр этилган китоб-альбомлардаги материаллар Ўзбекистон мактаблари ва олий ўқув юртларида ўқув қўлланмалари сифатида фойдаланишга, шунингдек, Ўзбекистон ва дунёнинг барча кутубхоналарида бўлишга лойиқ.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, биз Янги Ўзбекистонга ва шахсан Сизга юқоридаги лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашишга доим тайёрмиз.

Шу билан бирга, Сиз, муҳтарам Шавкат Миромонович, биз томонимиздан қабул қилинган лойиҳаларни ўз ичига олган “Йўл харитаси”ни амалга оширишни шахсан қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига хос шарқона меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, инсонпарвар мақсадларингизда ва гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонни ривожлантиришга йўналтирилган самарали ишларингизда юксак муваффақиятлар тилаймиз!

***Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш,
сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон
жамияти аъзолари томонидан қабул қилинди.
2019 йил, 25 август.***

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгресси аъзолари Самарқанднинг Регистон майдонида.





EMPIRES, RELIGIONS, CULTURES





ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ,
САҚЛАШ ВА ОММАЛАШТИ-
РИШ БУТУНЖАҲОН ЖАМИ-
ЯТИНИНГ III КОНГРЕССИ

ТОШКЕНТ
22-23 август



09.30
22/09

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва омма-
лаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгресси меҳмонла-
рини кутиб олиш.







ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, САҚЛАШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БУТУНЖАҲОН ЖАМИЯТИНИНГ III КОНГРЕССИ

2019 йил 22 август куни «МЕДИА-ХОЛЛ НАЭСМИ»да ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, САҚЛАШ ВА ОММАЛАШТИРИШ БУТУНЖАҲОН ЖАМИЯТИНИНГ III ХАЛҚАРО КОНГРЕССИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

CULTURAL HERITAGE WEEK

UZBEKISTAN – CROSSROADS OF
GREAT ROADS AND CIVILIZATIONS:
EMPIRES, RELIGIONS, CULTURE





Презентация новых томов книг-альбомов «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира».

III ХАЛҚАРО
КОНГРЕССДА
ҚАТНАШДИЛАР

3
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ
ПРЕЗИДЕНТИ

35
МУЗЕЙ ВА
КУТУБХОНАЛАРИ
РАЎБАРЛАРИ

250
ТАДҚИҚОТЧИ ОЛИМЛАР,
ПРОФЕССОРЛАР
ВА
ДОКТОРЛАРИ

12
АКАДЕМИК
25
ДАН ОРТИҚ
ИКОМОС
ВА ЮНЕСКО ВАКИЛЛАРИ

60
ХОРИЖИЙ
ОАВ
МАҲАЛЛИЙ
ОАВ
70

ЯНГИ КИТОБ-АЛЬБОМЛАР ВА ҚАДИМГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРНИНГ ФАКСИМИЛ НУСХАЛАРИ НАМОЙИШИ


Конгресс давомида “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумидаги 20 та китоб-альбом тақдироти ўтказилди. Уларнинг ўзига хос томони замонавий мультимедиа технологиялари асосида чоп этилганидир. Китобларни нафақат ўқиш, балки смартфонлар ва планшетлар ёрдамида махсус тайёрланган видеолар ва 3D-форматдаги артефактларни ҳам кўриш мумкин.

 WORLD SOCIETY FOR THE STUDY, PRESERVATION AND POPULARISATION OF THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN





Конгресс қатнашчилари Катта Лангар Қуръони факсимил нусхасини томоша қилишмоқда.



Австриялик меҳмонлар - Александр Вильгельм ва Дитер Рошель янги китоб-альбомлар билан танишишмоқда.

КОНГРЕСС
ҚАТНАШЧИЛАРИГА

400

КИТОБ СОВҒА

ҚИЛИНДИ

«МЕДИА-ХОЛЛ НАЭСМИ»ДА
«ЎЗБЕКИСТОННИНГ 100 БУЮК
ҚЎЛЁЗМАСИ» КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ: ЭКСПОЗИЦИЯДА КАТТА ЛАНГАР
ҚУРЪОНИ, ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДЕВОНИ,
«МЕЪРОЖНОМА», «ЗАФАРНОМА» ВА
БОШҚА МИНИАТЮРАЛАРНИНГ БЕБАҲО
ФАКСИМИЛ НУСХАЛАРИ НАМОЙИШ
ҚИЛИНДИ



Одри Азуле, ЮНЕ-СКО Бош директори:
– Мен бу ерда, Ўзбекистон маданий мероси ҳафталигида иштирок этаётганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Мерос – бу авлодлар ва замонларни боғлаб турадиган мустаҳкам ришта. Уни келажак авлодларга етказиш баробарида, бутун дунё ахли билан ҳам баҳам кўриш мумкин.





Азиз Абдуҳақимов,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг
ўринбосари:

– Мен бугунги форум катнашчиларидан биз Ўзбекистонда маданий меросимиз, осори атикалримизни асраб-авайлаш ва оммалаштириш, ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар беришларини сўрайман. Бугунги кўпгина олимлар мутахассисларимиз билан тажриба алмашишмоқда. Ўйлайманки, биз ўзимизнинг ва хорижий мутахассислар ўртасида бу борада бошқа мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш бўйича мулоқот майдончаси яратилди ва у тез орада ўз натижасини беради.



Фредерик Старр,
АҚШ ташқи сиёсат кенгаши хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (САСИ) асосчиси ва раҳбари:

– Ҳаммамиз тарихимиз хақидаги тасаввурларга эга бўлиш канчалик муҳимлигини тушунишимиз керак: Агар одамлар ўз ўтмишини билишмаса, вақт ўтиши билан аجدодларнинг буюк кашфиётлари унутилиб бораверади. Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатнинг маданий меросини асраш ва янада оммашлаштириш бўйича катта эътибор қаратилётганидан мамнунман. Бу бошқалар учун ўрнак бўлиши керак.



Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгресси иш кунлари.





«Унутилган маърифат» китоби муаллифи Фредерик Старр Учинчи Конгресснинг очилишида.

Ученые Бенедик Пери (Венгрия) и Лале Улуч (Турция) во время научной дискуссии



Александр Наймарк, Тасвирий санъат, дизайн ва санъат тарихи кафедраси, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё дастури раҳбари, Хофстра университети (АҚШ):

– Бир неча йил аввал Ўзбекистонда бу мамлакатнинг маданий меросини тадқиқ қилиш билан шугулланадиган юзлаб олимлар жамлашинини тасаввур қилиш қийин эди. Бу мен учун Ўзбекистонда барча жаҳаларда, жумладан фан ва маданият тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлаётгани, бу мамлакат дунёга юз очаетганини исбот этадиган «биринчи қалдирғоч» бўлди.

Шубҳасиз, бу лойиҳа Ўзбекистон маданияти соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.



Санжар Ғуломов (ЎзФА) ва таниқли шарқшунос, доктор Франсиз Ришар (Франция).

Профессор Александр Наймарк (США) ва Чарльз Мелвилл (Буюк Британия) Конгрессда маъруза ўқишмоқда.





Фирдавс Абдухолиқов, лойиҳа раҳбари, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти бошқаруви раиси:

«Бизни битта мақсад бирлаштиради – Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш. Президентимиз ташаббуслари билан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар маданий муҳитни ҳам камраб олмоқда ва нафакат ўзбекистонликларни, балки жаҳон ҳамжамиятини илҳомлантирмоқда. Бугун Бутунжаҳон жамияти маданият соҳасида Ўзбекистон Президенти гояларини кўллаб-қувватламоқда ва бу йўналишда бир қанча йирик лойиҳаларни амалга оширишга ҳозирлик билдиришмоқда».



Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти III халқаро Конгрессининг ёрқин лаҳзалари.



Икки буюк археологнинг узоқ кутилган учрашуви: Эдвард Ртвеладзе ва Пьер Лериш.






Академик Эдвард Ртвеладзе, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти илмий кенгаши раиси:

– Илмий инновацияларни ҳар доим ҳам замондошлар қабул қилавермайди. Ушбу лойиҳа гарчи инновация бўлса-да, уни замондошларимиз жуда яхши қабул қилишмоқда. Бундан ташқари лойиҳани Ўзбекистон ҳукумати, хусусан Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев шахсан қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳар биримиз учун жуда муҳим.



Уч машҳур шарқшунос – Франсиз Ришар, Роберт Брейси и Александр Наймарк.





КОНГРЕССИНИНГ

2 КУНИДА

60 ДАН

ОРТИҚ

МАЪРУЗА

ЎҚИЛДИ



Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгрессининг 2 куни .



Фредерик Старр, Пьер Лериш ва Сеголен де Понбриан маъруза пайтида.

III МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНГРЕСС



“УЗБЕКИСТАН - ПЕРЕКРЕСТОК
ВЕЛИКИХ ДОРОГ И
ЦИВИЛИЗАЦИЙ:
ИМПЕРИИ, РЕЛИГИИ,
КУЛЬТУРЫ”



14.00
22/09



«КУШОН ХАЗИНАСИ» НОМЛИ ЁЗИГА ХОС КЎРГАЗМА

2019 ЙИЛНИНГ 22 АВГУСТИДА ЁЗБЕКИСТОН
МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЁРГАНИШ, САҚЛАШ
ВА ОММАЛАШТИРИШ БУТУНЖАХОН
ЖАМИЯТИНИНГ III ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ
«КУШОН ХАЗИНАСИ» НОМЛИ ЁЗИГА ХОС
КЎРГАЗМА БЎЛИБ ЁТДИ.

Бошқа қизиқарли артефактлар орасида кўргазмада Кушон даврининг 50 та олтин экспонатлари ёрин олди. Бу экспонатлар Ёзбекистон Республикаси Марказий банки Қимматбаҳо тошлар агентлиги томонидан тақдим этилган.

Нодир экспонатлар орасида Геракль тасвири туширилган гемма билан зийнатланган олтин пектораль, кўкракка тақиланган олтин тақинчоқлар, эр авв III асрдан милудий IV асргача шимолий Ҳиндистон ва Ёрта Осиёнинг жанубий қисмлари (Бақтрия, Сўғд)да кенг тарқалган кхароштхи ёзувидаги битиклар туширилган олтин ёмбиларни ҳам учратиш мумкин.

Открытие выставки «Сокровища кушан» в Галерее изобразительного искусства Узбекистана.



КУШАНСКАЯ ИМПЕРИЯ И ЕЕ ВКЛАД В РАЗВИТИЕ
МИРОВОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ
KUSHAN EMPIRE AND ITS CONTRIBUTION TO
THE DEVELOPMENT OF WORLD CIVILIZATION

THE EMPIRE
OF RELIGION
AND CULTURE

ИМПЕРИИ,
РЕЛИГИИ,
КУЛЬТУРЫ

22.08.2019



Хатибур Раҳмон,
Ҳиндистон Миллий
музейнинг қўлғамалар
бўлими ноҳири:

– Бу хайратланарли
даражада ажойиб экспо-
зиция! Кушон империяси
даврининг қадимий ол-
тинлари кўрғазмасидан
жуда катта таассурот
олдим. Ростини айтсам,
хали бунақасини кўрма-
ганман. Маданий мерос
хафталиги ташиқлот-
чиларига Ўзбекистон
тарихи ҳақида, Кушон
империясининг сирли
саҳифалари ҳақида
етарлича маълумот
олиш имконини бериш-
гани учун катта ташак-
кур билдираман.





Сюй Сяодун, профессор, Хитой Гонконг университети бадий музейи:

– Мен Кушон салтанатининг олтинларини кўриб хайратландим. Тошкентда ўтказилган Кушон мероси кўргазмасида катнашган эдим. Кушонлар даврида ясалган олтин буюмларнинг мухташам дизайни хар бир инсонни хайратга солади. Бу заргарлик буюмларида филигрань технологиясидан фойдаланилгани энг тажрибали усталарни хам лол колдиради.

19.00
22/09

WELCOME TO UZBEKISTAN:
«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
ДУНЁ ТЎПЛАМЛАРИДА» ЛОЙИХАСИ ҲО-
МИЙСИ – ERIELL GROUP НЕФТЬ
СОҲАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ТАНТА
НАЛИ ҚАБУЛ МАРОСИМИ





10.00
23/09

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИДА НОЁБ ҚЎЛЁЗМАЛАРГА ОИД МАВЗУЛАРДА ДАВРА СУХБАТИ ВА КЎРГАЗХМА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамиятининг III конгрессининг 2-куни қатнашчилар Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёмалар фондининг ноёб дурдоналари билан танишишди.

Меҳмонлар ўрта асрлар ва қадимги даврларда яратилган қўлёмалар мероси намуналари билан яқиндан танишиш ва фақат бизнинг юртимизда сақланаётган дурдоналарни ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлишди. Бундан ташқари, Учинчи халқаро конгресс доирасида Тошкентда бир қатор мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. “Эркин микрофон” форматида ўтган баҳсларда **30 дан ортиқ олимлар қатнашди.**



Ефим Резван, РФА
 Буюк Петр номида-
 ги антропология ва
 этнография музейи
 директори ўринбо-
 сари (Кунсткамера,
 Санкт-Петербург):

– Биз Ўзбекистонга
 қадимги кўлёмаларни
 ўрганиш ва тадқиқот
 ишларини олиб бориш
 учун келдик. Шарқшу-
 нослик институтида
 ташкил қилинган ислом
 оламининг мероси санал-
 ган бебаҳо китоблар ва
 кўлёмалар кўрғазмаси
 ҳам иштирокчилар учун
 катта имкониятларга
 сабаб бўлди айрим кўлём-
 алар дунёнинг бошқа
 ҳудудларида учрамайди
 ва бу менинг кейинги иш
 фаолиятимда, жумладан
 “Ўзбекистоннинг 114
 Қуръони” кенг камровли
 лойиҳаси учун катта
 имконият бўлди.





Ирина Богословская, санъатшунослик номзоди, “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳасининг АҚШ ва Канадага оди альбомлари бўйича куратори (АҚШ):

– Албатта, бошқа халқлар маданиятини ўрганиш жуда катта иш. Аммо, Ўзбекистондан ташқарида жойлашган маданият дурдоналари хақида хабардор бўлиш шу юрт одамларига жуда катта шараф.

Мен бемалол “Ўзбекистон маданий мероси – дунё тўпламларида” лойиҳасини дунёда тенги йўқ дея оламан. Албатта, бизгача яшаб ўтганлар орасида ана шундай юксак санъат эгаларини борлигини англашга қаратилган бу лойиҳани юкори баҳолайман



Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида «Ўзбекистон қўлёзма меросини сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзаоб муаммолари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Китоб-альбомларнинг институтида сақланаётган қўлёзмалар ва манбаларга бағишланган 21-25 китоб-альбомлар тақдим қилинди.

Темурийлар тарихи давлат музейида “Темурийларнинг ёрқин даври” номли давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Франция ва Нидерландия олимлари маъруза қилишди. Яқин ва Ўрта Шарқ маданий ва бадиий жараёнлари ривожидан темурийлар давлатининг роли мавзусида АҚШ, Германия, Эрон, Франциядан келган олимлар чиқиш қилишди.

«Шарқ-Ғарб: Ўзбекистон маданий меросини сақлашда музейлар тажрибаси» мавзусидаги давра суҳбати Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилди.

Ўзбекистон амалий санъат музейида III Конгресс қатнашчилари иштирокида ўзбек ипаги ва пахтасидан тайёрланган матоларнинг ўзига хослиги муҳокама қилинди



III ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ДОИРАСИДАГИ ШУБА ЙИГИЛИШИДА



ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида.




Ўзбекистон тарихи Давлат музейида.



Темурийлар тарихи Давлат музейида.



Бенедек Пери, профессор (Венгрия)
– Венгрияда Ўзбекистонга бўлган кизиқиш олис асрларга бориб тақалади. Бир пайтлар хамюртимиз Герман Вамбери бу юртга сафар қилиб, унинг маданияти тарихи, этнографияси хақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Мен илк бор Ўзбекистонга совет пайтида 1986 йилда келганман. Ҳаётдан бу юртга меҳрим тушган. Айниқса Навоий ижодини катта кизиқиш билан тадқиқ этяпман. Ҳазрат Навоийни қанча ўргансак шунча оз. Венгриядаги қутубхоналарда, илм масканларида Навоийнинг қўлёзмалари бор. Улардан бирини Вамберининг ўзи олиб келган. Келгусида Ўзбекистон Маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ниятидаман.



16.00
23/09

МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИ МЕҲМОНЛАРИГА ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ВА ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ ИККИ НОДИР НУСХАСИНИ КЎРСАТИШДИ

III КОНГРЕСС ҚАТНАШЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ
ИДОРАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ҚАДИМИЙ
МЕРОСИ - УСМОН ҚУРЪОНИ ВА ЖУҲОН ОЛИМЛАРИДАН
ТОМОНИДАН УСМОН МУСҲАФЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА
ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН КАТТА ЛАНГАР ҚУРЪОНИНИНГ 16 САҲИФАСИ
БИЛАН ТАНИШИШДИ.

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, Ўзбекистон VI-VII яшаб ўтган халифа Усмон ибн Аффон буйруғи билан ёзилган иккита қадимий Қуръон нусхасига эга бўлган ягона давлат саналади.

Усмон Қуръони бу муқаддас китобнинг она қорнидаги бузоқ терисига битилган нодир ва дастлабки нусхаси ҳисобланади.

Барча мусулмонлар учун қадрли бўлган бу дурдонани кўриш учун ҳар йили Тошкентга юз минглаб сайёҳлар келиб кетади. Мусулмонлар ва ислом олами учун Катта Лангар Қуръони ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қадимий китоб бутун инсоният учун катта тарихий ва маданий қимматга эга қадриятларга мансуб.



Фредерик Брессан ва Пьер Симеон, Франциялик тадқиқотчилар.



Канер Каравит (Туркия).



ЛЛорд Муҳаммад Илтаф Шайх, Барон шайх, Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси (Буюк Британия):
– *Ўйлашимча, ислом маданиятини тушунмоқчи бўлганлар албатта Ўзбекистонга келишлари керак. Мен бугунги конференцияга ислом олами-дан кўплаб олимлар келганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Европа, Шарк ва Ўзбекистон олимлари хадисларни таржима қилиш ва шархлаш борасидаги ишларни давом эттиришлари керак. Ўзбекистон ал-Бухорий, ат-Термизий, Ибн Сино, ал-Беруний сингари олимларни жаҳонга ҳаётиятда Хиндистонда Бобурийлар империяси 300 йил хукмронлик қилди. Бу даврда санъат, маданият, архитектура ва бошқа соҳалар тараккият қилди.*





Академик Шоҳин Мустафоев (Озарбайжон) ва доктор Светлана Горшенина (Франция).



Россиялик олимлар - профессор Ефим Резван ва Санкт-Петербургдаги Дин тарихи музейи директори ўринбосари Екатерина Терюкова.



Ларри Лакснер, Washington Diplomat:

– Бугун эрталаб мен австриялик ноширларнинг кўлэзма китобларни чоп этиш хақидаги маърузаларини диққат билан тингладим. Назаримда, бугунги кунга қадар хали бундай кенг кўламли ташаббуслар кўтарилмаган эди. Ислом цивилизацияси маркази рахбарининг маърузасини эшитиб, қурилиш битганидан сўнг ушбу музейни бориб кўриш, исломнинг асл моҳияти хақида мақола ёзиш фикри туғилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ислом цивилизацияси марказининг қурилиши.





19.00
23/09

«ЎЗБЕКИСТОН: СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНАЛАР» ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТИ

23 АВГУСТ КУНИ ЯПОН БОҒИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ТОМОНИДАН УЧИНЧИ КОНГРЕСС ИШТИРОКИЧЛАРИ УЧУН ҚАБУЛ
МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАРОСИМНИНГ АСОСИЙ ВОҚЕАСИ
«ЎЗБЕКИСТОН: СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНАЛАР» ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТ
НАМОЙИШИ БЎЛДИ.

Фильм «Россия-Культура», ЎзЭОАВМА ҳамда «Севимли» телеканали томонидан Ўзбекистон туризм-
ни ривожлантириш давлат қўмитаси кўмагида суратга олинди.

Гоя муаллифи ва продюсер Фирдавс Абдухоликовнинг айтишича, Ўзбекистон ҳужжатли киноси тари-
хида илк бор ноанъанавий усулдан фойдаланилди: интервью ва изоҳлардан воз кечилди. Фильм қаҳра-
монлари – турди даврлар ва сулолаларга мансуб тарихий шахслардир.

Фильмнинг асосий мавзуси бутун борлиққа бўлган муҳаббатдир. Бу улкан ҳиссиёт фильмдаги ҳар бир
лавҳада акс этади. «Муҳаббат ҳисси бўлмаганда, ўзбек халқи ана шундай гўзал меъмори, адабий ва му-
сиқий обидаларни яратмаган, Ўзбекистон маданий мероси деган тушунча ҳам юзага келмаган бўларди»
– дейди фильм продюсери.



«ТОШКЕНТ – ШАРҚ ОЛДУЗИ»

ТОШКЕНТ ҲОКИМЛИГИ НОМИДАН ТАНТАНАЛИ

БУЛ МАРОСИМИ

23 АВГУСТ
ТОШКЕНТ

«Ташкент – звезда Востока»

Торжественный прием
от имени хокима г. Ташкента

«Tashkent – Star of the East»


Grand reception
in the name of the
Tashkent city
administration

Тошкентдаги Япон боғида тантанали
қабул маросими.



Фирдавс Абдухоликов, лойиҳа раҳбари, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш Бутунжаҳон жамияти бошқаруви раиси:

«Бундан ташқари «Россия-Культура» телеканаллари вакиллари билан жуда кўп бахслардан кейин биз фильмда шеърят намуналаридан фойдаланишга яқдил қарор қилдик. Унда Алишер Навоий газаллари, Умар Хайём рубоийлари, Хофиз шеърлари ва бошқа улуг шоирларнинг ижод намуналаридан фойдаланилди.



